

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 10 январь, № 7 (5937) Жума


## Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

*■ Бухоро туманидаги "Феруз Азиз Бухорий" хусусий корхонасида ишлаб чиқарилаётган қурилиш маҳсулотлари тури бештага етди. Бунда молия муассасаси томонидан ажратилган 100 минг АҚШ долларилик кредит қўл келди.*

### Бир йилда 1172 та лойиҳа

Ҳозир бу ерда қуруқ аралашма, елим, шпаклёвка, мих каби қурилиш ашёлари тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилаяпти. Шунингдек, мазкур лойиҳа шарофати билан 12 та иш ўрни яратилди.

Эътиборлиси, 2013 — 2015 йилларда вилоятни ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш дастурига мувофиқ, ўтган йили умумий қиймати 515 миллион долларга тенг 1172 та лойиҳа амалга оширилиб, 7600 та иш ўрни ташкил қилинди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*■ Сирдарё туманидаги "Темур Мед Фарм" масъулияти чекланган жамияти лабораториясида олиб борилган изланишлардан сўнг инфузион эритмаларнинг сақланиш муддати 1 йилга узайтирилди.*

### Муддати узайди

Натижада мазкур фармацевтика воситалари, аввалгидек, икки йил эмас, уч йилгача яроқлилигини йўқотмайдиган бўлди.

Шу билан бирга, корхонада яна уч турда инфузион эритма ишлаб чиқаришга киришилди. Тиббиётда кенг қўлланиладиган "Метронидазол", "Ацедоль", "Дисоль" деб номланадиган бу дори-дармон воситалари шу пайтгача юртимизга, асосан, четдан келтирилар эди. Шунингдек, корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати ҳам оширилди. Яъни аввал кунига 40 минг флакон эритма тайёрланган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 60 минг донага тўғри келмоқда.

— Маҳсулот ҳажмини кўпайтиришда ички имкониятларимиздан самарали фойдаландик, — дейди корхонанинг сифат назорати бўлими бошлиғи Саид Дадажонов. — Ишга янгича ёндашиб, ходимлар малакасини оширдик. Тез орада яна 3 турдаги эритмани ишлаб чиқаришни ўзлаштирамиз.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*■ Боғдодлик Авазбек Сиддиқов — ташаббускор тадбиркор. У бирор ишга қўл урса, албатта, охирига етказмай қўймайди.*

### Тадбиркор ташаббуси

Яқинда ишбилармон туман марказидаги бўш турган бинони таъмирлаб, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Бунинг учун оила аъзолари билан жамғарган маблағи ҳисобига илғор дастгоҳлар харид қилди. Айни кунда "Сиддиқов Авазбек, Азиз" хусусий корхонаси томонидан кунига бир тоннага яқин ун қайта ишланиб, нон ва нон маҳсулотлари буюртмачиларга етказиб берилмоқда.

**Набижон СОБИРОВ**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*■ Хандон писта меваси минг дардга даво. Шу боис уни "яшил олтин" деб аташади. Бироқ мазкур турдаги писта ҳосилга кеч киради ҳамда бу давр мобайнида боғбондан алоҳида эътибор ва сабр-тоқат талаб қилади.*

### «Яшил олтин» боғи

— Бир пайтлар қишлоғимизда пистазор яратилган эди, — дейди Ғаллаорол туманидаги "Абдусаид Аламли" фермер хўжалиги раҳбари Абдулла Каримов. — Қаровсизлик туфайли сийраклашиб қолган боғни қайта тиклаяпмиз. Ўтган йили фермер хўжалигимиз тасарруфидаги 10 гектар майдонга ҳам писта экдик. Жорий йилда пистазоримизни яна шунчага кенгайтирамиз. Айни пайтда махсус иссиқхонада писта уруғини экиб, кўчат парваришлаяпмиз. Келгусида кўчатчиликни ҳам йўлга қўйишни режалаштирганмиз.

Фермернинг таъкидлашича, писта қурғоқчиликка ўта чидамли бўлиб, томири 45-55 метр чуқурликкача етади. 10-12 йилда ҳосилга кириб, 25 йилдан сўнг 10 килограммгача мева беради. У 1500 йилгача умр кўради.

**Улуғбек АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# ЗАМОНАВИЙ ДИЗАЙН, ЮҚОРИ СИФАТ

## саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларда ўз ифодасини топмоқда

**МОДЕРНИЗАЦИЯ**

Хоразм гиламлари азалдан дунёга маълум ва машҳур. Айниқса, у ёрқин жилоси, бетакрор нақшлари ҳамда юқори сифати билан эътироф қозонган. Шу боис воҳа ҳунармандлари қўлида сайқал топган бундай маҳсулотлар чинакам санъат асарига қиёсланади.

Эндиликда ана шундай ранго-ранг гиламлар замонавий технологиялар ҳамда мукаммал дизайн асосида ишлаб чиқарилмоқда. Айни пайтда вилоятда мазкур йўналишга ихтисослаштирилган 15 дан ортиқ корхона фаолият юритаётир. Бу эса воҳада гиламдўзлик саноати жадал ривожланиб бораётганидан далолат беради.

Хива туманидаги "Хоразм гиламлари" масъулияти чекланган жамияти — шундай илғор ишлаб чиқариш субъектларидан бири. Бу ерга ўрнатилган дастгоҳ ва ускуналар — замонавий. Уларни бошқариш учун 687 киши ишга жалб қилинган.

Корхона жамоаси поёнига етган йилни катта муваффақиятлар билан якунлади. Яъни 2013 йили бу ерда 12 миллиард 260 миллион сўмликдан зиёд, 480 минг квадрат метр ҳажмдаги гилам ва гилам маҳсулотлари тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилди. Бунда жамиятнинг юртимиз турли ҳудудларида 53 та савдо шохобчаси ташкил этилгани қўл келди.

(Давоми 2-бетда).



Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.




*Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли тарзда ҳимоя қилишга қодир бўлган, ихчам, тезкор, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланган миллий армиямиз шакллантирилди. Юртимизда муддатли ҳарбий хизмат тизимини ислоҳ қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.*

# Мақсад — фаолият самарадорлигини ошириш

Армиядаги ахлоқий-руҳий, маънавий муҳит бутунлай янгиланиб, ҳарбий жамоаларда ҳарбий хизматчилар ўртасидаги муносабатлар ижобий томонга ўзгарди. Қуролли Кучларимиз сафларида ўз бурчини ўтаган фуқароларга қатор имтиёзлар жорий этилди. Бундай чора-тадбирлар аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ҳарбий хизматнинг нуфузи ошишига замин яратди.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 20 ноябрдаги "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони чақирув самарадорлигини оширишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир. Мазкур Фармонга мувофиқ, 2009 йилдан бошлаб фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йилига бир марта — февраль — март ойларида чақириш йўлга қўйилди.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, сўнгги йилларда бир қатор чақирув ва йиғин пунктлари реконструкция қилиниб, қўшимча бино ва иншоотларнинг барпо этилгани чақирувни янада сифатли ўтказиш имконини бермоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори асосида Наманган вилоятининг шаҳар ва туманларидаги ана шундай масканларда ҳам аскар бўлиш истагидаги йигитларни пухта тиббий кўрикдан ўтказиш, ўқув-семинарлар, маънавий-маърифий тадбирларни ташкил қилиш учун барча шарт-шароит яратилди.

Айтайлик, модернизация ишларидан сўнг замонавий қиёфа касб этган вилоят йиғин пунктидаги ўзгаришлар бу ерга ташриф буюрган ҳар қандай кишида мамлакатимиз мудофаа салоҳияти, миллий армиямиз ҳаёти, ёшларни муддатли ҳарбий хизматга тайёрлашнинг ўзига хос қирралари ҳақида ёрқин таассурот уйғота олади.

(Давоми 2-бетда).

# Ўзбекистон янгиликлари
## Хитой оммавий ахборот воситалари нигоҳида

**ЭЪТИРОФ**

**Хитой халқаро радиоси** "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида алоҳида валюта режими жорий этилиши ҳақидаги хабарни тарқатди. Янги тартибга кўра, эркин индустриал-иқтисодий зона қатнашчиларига улар ўртасида тузилган шартномалар бўйича ҳисоб-китоб ва тўловларни хорижий валютада амалга ошириш ҳамда етказиб берилган товарлар, бажарилган иш ва хизматларнинг ҳақини эркин айирбошланадиган валютада тўлашга рухсат берилади.

Хитой халқаро радиоси 2008 йили ташкил этилган "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳақидаги асосий маълумотларни ўз тингловчилари эътиборига ҳавола қилар экан, у хорижий сармоядорларга иқтисодиётнинг юқори технологияли тармоқларида тўла ишлаб чиқариш туркумини ўз ичига олувчи саноат мажмуаларини барпо этиш борасида кенг имконият ва улкан рақобат устунликлари беришини алоҳида қайд этди.

**"Синьхуа"** ахборот агентлиги ўз ўқувчиларини мамлакатимиз ҳудудида "UZTE" бренди остида мобиль телефонлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган "Пэнчжун Синшэн" Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасининг 2014 йил учун мўлжалланган режалари билан таништиради.

(Давоми 2-бетда).

# Амнистия акти изчил қўлланилмоқда

*Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислоҳотлар инсонпарварлик тамойилига асосланган бўлиб, истиқлол даврида бу борада салмоқли ютуқ ва натижалар қўлга киритилди. Буни фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари тўлиқ таъминланаётгани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.*

**ҚАРОР ВА ИЖРО**

Президентимиз тақдимномасига биноан 2013 йилнинг 12 декабрида Олий Мажлис Сенати томонидан қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарор ҳам ана шундай эзгу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармасига қарашли 1-тергов ҳибсхонасида мазкур қарор ижроси доирасида ўтказилган тадбирда шу ҳақда сўз юритилди. Эътироф этилганидек, ушбу ҳужжат нафақат демократик жамиятнинг устувор тамойилларини, балки миллий қадриятларимиз — бағрикенглик, мурувват ва инсонпарварлик каби олий фазилатлар моҳиятини ўзида мужассамлаштирган. Унда аёллар, жиноят содир қилган вақтда 18 ёшга тўлмаганлар, 60 ёшдан ошган эркаклар ва чет давлат фуқароларини жазодан озод этиш назарда тутилганининг ўзиёқ ана шундан далолат бериб турибди.

Муҳими, ўтган давр мобайнида амнистия актини қўллашда қонунбузарлик, ва суиистеъмолликка йўл қўймаслик, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларига путур етказилмаслигини таъминлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилди. Хусусан, жазодан озод этилган шахсларнинг ижтимоий кўникмаси ва ҳимоясига оид чораларни ўз вақтида, самарали бажариш мақсадида жойларда ҳуқуқ-тартибот идоралари, судлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқаролар йиғинлари раҳбарларидан иборат ҳудудий комиссиялар тузилган бўлиб, улар томонидан муайян ишлар олиб борилмоқда.

Айни чоғда Қарорнинг очиқ ва ошкора қўлланилиши устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш мақсадида ташкил этилган сенаторлар, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, Омбудсманнинг минтақавий вакилларидан таркиб топган ишчи гуруҳлар самарали фаолият юритмоқда. Ушбу гуруҳ аъзолари жазони ижро этиш муассасаларида бўлиб, маҳкумлар билан суҳбатлашмоқда, уларнинг шахсий йиғмажилдлари ва суриштирув, дастлабки тергов органлари юритувидаги терговгача ўтказилган текширув материаллари ҳамда жиноят ишлари билан танишиб чиқишмоқда. Шу билан бирга, озод қилинган шахсларга доир юритилаётган ишларнинг мониторингини олиб боришаётир.

(Давоми 2-бетда).

## БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**Ўтган йили мамлакатимизда яратилган жами иш ўринлари сони**

**970 мингтадан ошди.**

Жойларда кичик ишлаб чиқариш корхоналарини ишга тушириш, меҳнат шартномалари асосида касаначиликнинг турли шаклларини ривожлантириш, шунингдек, оилавий бизнесни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилгани туфайли ана шундай юқори натижага эришилди.



# Ўзбекистон янгиликлари Хитой оммавий ахборот воситалари нигоҳида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

“Ҳозирги вақтда “Grand V”, “Grand M” ва “Grand X” сингари уч хил модель ишлаб чиқарилмоқда, — деб ёзади агентлик мухбири. — Жорий йили эса компания томонидан смартфонлар мажмуасини кенгайтириш ҳамда корхона қувватларини ошириш, шунингдек, модемлар ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш режалаштирилмоқда”.

**“Жэньминь жибао”** газетаси маълум қилишича, 2013 йили “CNTIC-CNRDLRC” компаниялар консорциуми Ўзбекистонга “OZEL” русумли тўртта электровоз етказиб берди. Нашрда ёзилишича, “Шу тариқа томонлар ўртасида 2011 йили имзоланган шартнома ижроси таъминланди. Лойиҳа “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик компаниясининг ўз маблағлари ва Хитой Халқ Республикаси “Эксимбанк”инининг кредити эвазига амалга оширилди.

Мазкур газетада чоп этилган яна бир мақолада эса Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимида рўй бераётган янгиликлар қаламга олинган. “Соғлом бола йили” деб эълон қилинган 2014 йилда республика раҳбарияти томонидан аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги вақтда ўзбек олимлари наслдан-наслга ўтадиган касалликлар ҳамда ошқозон саратони сингари баъзи хасталикларга мойилликни келтириб чиқарадиган генларни олдиндан аниқлаш устида иш олиб боришмоқда. Бундан кўзланган мақсад касалликлар ривожланиб кетишининг олдини олиш билан изоҳланади”, дея ёзилади “Жэньминь жибао” газетасида.

Ўзбекистон спорти оламида содир бўлаётган янгиликлар эса **Хитой ахборот интернет маркази** эълон қилган “Тошкент ўсмирлар ўртасида шахмат бўйича Осиё биринчилигини қабул қилишга тайёрланмоқда” сарлавҳали мақолада ўз аксини топган. Унда Халқаро шахмат федерациясининг (FIDE) 2014 йил тақвимига кўра, жорий йилнинг 20-29 июнь кунлари Ўзбекистон пойтахтида илк маротаба 8 ёшдан 12 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтиши ўқувчиларга маълум қилинган.

“2012 йилнинг май — июнь ойларида Тошкентда 20 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати уюштирилган эди. Ўша йилнинг октябрь — декабрь ойларида эса эркаклар ўртасида FIDE Гран-присининг иккинчи босқичи ўтказилди. 2013 йилнинг сентябрида мегаполис аёллар ўртасида Халқаро шахмат федерацияси Гран-присини қабул қилди”, дея таъкидланади Хитой ахборот интернет маркази маълумотларида.

ХХР оммавий ахборот воситаларида мамлакатимиз мавзусига бағишланган бундай хабар-мақолаларнинг мунтазам чоп этилиши, шубҳасиз, Ўзбекистонда рўй бераётган ўзгаришларга ХХР жамоатчилиги катта қизиқиш билан қараётганининг далолатидир.

**«Жаҳон» АА.**
Пекин

# ЗАМОНАВИЙ ДИЗАЙН, ЮҚОРИ СИФАТ

## саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларда ўз ифодасини топмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).



Ҳозир корхонанинг халқаро сифат сертификатига эга маҳсулотлари экспорти ҳажмини кўпайтириш чоралари кўрилаяпти. Хусусан, жамиятнинг маркетинг ва ташқи иқтисодий алоқалар бўлими томонидан гиламдўзлик борасида етакчи давлатлар иш тажрибалари ўрганилмоқда, жаҳон бозорида ушбу маҳсулотга бўлган талаб ва эҳтиёж атрофлича таҳлил этилаяпти. Бу эса келгусида чет эллик ҳамкорлар билан янада кўпроқ шартномалар имзолашда қўл келиши, шубҳасиз.

Дарвоқе, шу кунларда “Хоразм гиламлари”нинг бўш турган биносида лойиҳа қиймати 3,3 миллион долларлик янги корхона барпо қилиш бўйича саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилаяпти. Эътиборлиси, мазкур лойиҳа амалга ошгач, бу ерда йилига 4000 тонна калава ип ишлаб чиқариш имконияти юзага келади. Шу билан бирга, 150 та қўшимча иш ўрни яратилади.

— Фаолият бошлаганимизга беш йил бўлди, — дейди “Хоразм гиламлари” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Эркин Отажонов. — Ўтган даврда бу ерда 600 миллион сўмликдан ортиқ модернизациялаш ишларини бажардик. Натижада маҳсулотларимиз тури, ҳажми ва сифати ошди. Жорий йилда уларнинг таннархини пасайтириш ҳамда иш унумдорлигини оширишни мақсад қилганмиз. Бунинг учун барча имкониятга эгамиз.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Амнистия акти изчил қўлланилмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тадбирда жазодан озод этилаётган шахслар ижтимоий мослашуви ҳамда ҳимоясига қаратилган ишлар ҳам таҳлил қилинди. Хусусан, шу пайтга қадар озодликка чиққан шахсларга моддий ёрдамлар кўрсатиш, уларни ишга жойлаштириш, ёлғиз, ёрдамга муҳтож шахсларни ногиронлар ва қариялар уйларига жойлаштириш, вояга етмаганларни ота-оналар, ҳомийлик ва васийлик органларига топшириш, зарур ҳолларда, таълим муассасасига юбориш билан боғлиқ чоралар кўрилаётгани алоҳида таъкидланди. Бунда прокуратура, суд, ички ишлар идоралари, соғлиқни сақлаш муассасалари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда фуқаролар йиғинларининг ўзаро ҳамкорлиги айни муддао бўлмоқда.

Мазкур тадбирда ушбу муассасадан яна бир гуруҳ маҳкумлар жазодан озод этилди ёки ўталмай қолган жазо муддатлари қисқартирилди.

— Уч йилга ҳукм қилингандим, 11 ойда уйимга қайтаяпман, қувончим ичимга сиғмай кетаяпти, — дейди Ф. Абидов. — Халқимиз ва Президентимиз мени кечириб, имконият берган экан, бундан, албатта, унумли фойдаланаман. Қўлимда ҳунарим бор. Ҳунармандчилик қиламан. Насиб бўлса, ҳалол меҳнат орқасидан оиламга, Ватанимга фойда келтирадиган инсон бўлишга астойдил ҳаракат қиламан.

— Бу ерда ўтириб, қилган хатоларимни ҳар томонлама ўйладим, — дейди Н. Абдукаримова. — Қилмишимдан қаттиқ пушаймонман. Президентимизга катта раҳмат! Хатоларимдан сабоқ чиқариб, тўғри йўлни топишим учун яна бир имконият бердилар. Дилимдагини қандай айтишни, тўғриси, билмаяпман. Амнистияга тушмаганимда, бу ерда яна 2,5 йилдан кўпроқ бўлардим, муддатидан олдин озод бўлганимдан қаттиқ ҳаяжондаман. Бу мен учун бир сабоқ бўлди. Ҳалол меҳнат қилиб, юртимга муносиб фарзанд бўлмоқчиман.

Шу куннинг ўзида қарор ижроси доирасидаги бундай тадбирлар Зангиота туманидаги ва Чирчиқ шаҳридаги жазони ижро этиш муассасаларида ҳам бўлиб ўтди.

“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Сенат Қарори ижроси жойларда изчиллик билан давом эттирилмоқда.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Мақсад — фаолият самарадорлигини ошириш

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бино таркибидаги 300 ўринли тадбирлар зали, мўъжаз ошхона, ҳаммом, санитария-гигиена хоналари, қўйингки, барча қулайликлар чақирилувчиларни хизмат жойларига кузатишга бағишланган тадбирларни юқори савияда ўтказишда муҳим аҳамият касб этаётир.

Наманган шаҳар мудофаа ишлари бўлими қошидаги чақирув пунктида ҳам модернизациялашдан сўнг қатор қўшимча қулайликлар яратилди. Бу ерда тиббий кўрик учун масъул этиб бириктирилган шифокорлар учун мўлжалланган хоналар замонавий асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланди. Чақирилувчиларни ўрганиш, улар билан суҳбатлашиш ҳамда маънавий-маърифий йўналишдаги тадбирлар ташкил этиш учун алоҳида хоналар барпо қилинди.

— Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 21 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида бугунги кунда мустақиллик йилларида туғилиб вояга етган, мамлакатимиздаги лицей ва коллежларда энг замонавий таълим-тарбия олган йигитлар армия сафларига кириб келаётгани, улар замонавий ахборот, компьютер технологияларини, хорижий тилларни пухта эгаллаган ва энг асосийси — ҳаёт ҳақида ўзининг мустақил фикри ва қарашига, ахлоқий-маънавий қадриятларга эга бўлган ёшлар эканлиги алоҳида қайд этиб ўтилганди, — дейди вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бўлим бошлиғи, майор Улуғбек Қобилов. — Дарҳақиқат, муддатли ҳарбий хизматга бориш истагидаги йигитлар билан суҳбатлашганимизда ана шу фикрлар тўла асосга эга эканига қайта ва қайта амин бўлаяпмиз. Шунинг учун ҳам чақирув комиссиялари иши, ижобий маънода айтганда, осон кечаётгани йўқ. Пухта текширувлар, аниқ хулосалардан сўнг саралаб олинган йигитлар Қуролли Кучларимиз сафига йўл олмоқда.

Албатта, янгиланган чақирув ва йиғин пунктларидаги шарт-шароитлар фаолиятимизни янада такомиллаштириш имконини бераяпти. Ундан унумли фойдаланиб, масалан, ҳар йили йигитларни муддатли ҳарбий хизматга кузатиш тадбирларини ота-оналар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида тантанали равишда ташкил этаяпмиз. Бундай кўтаринки тадбирлар, маросимга йиғилганларнинг дил сўзлари армияга отланган ўғлонлар ёдида бир умр сақланиб қолиши табиий.

Таъкидлаш лозимки, чақирув пунктларини замон талабларига мослаштириш билан боғлиқ юмушлар вилоятнинг барча туманларида ниҳоясига етказилди. Хусусан, яқинда Чортоқ тумани мудофаа ишлари бўлими қошидаги шундай маскан ҳам реконструкциядан чиқарилди. Қурувчилар бу ерда қўшимча равишда мажлислар зали, кичик ошхона барпо этиб, бино атрофини шунга уйғун тарзда ободонлаштирдилар.

Мухтасар айтганда, Қуролли Кучларимизни ривожлантириш борасидаги ислоҳотлар жараёнида ҳар бир жиҳат алоҳида эътиборга олинган. Чақирув тизимини такомиллаштириш мақсадида ҳаётга татбиқ қилинаётган чора-тадбирлар ана шу саъй-ҳаракатларнинг узвий қисми сифатида бундан кейин ҳам изчил давом эттирилиши шубҳасиз.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

КИЧИК БИЗНЕС

*Шеробод туманидаги Килкон маҳалласида фаолият юритаётган “Суҳроб-Соҳиб-Сардор” хусусий корхонасида 6 турдаги бўёқ ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.*

# Шеробод бўёқлари

— Янги бизнес-режамиз рўёбида банкнинг кўмаги катта бўлди, — дейди тадбиркор Баҳодир Қиличев. — Айни пайтда 16 киши меҳнат қилаётган корхонамизда тайёрланаётган маҳсулотлар нисбатан арзон нархларда истеъмолчиларга етказиб берилаяпти.

Тадбиркор яқинда шпаклёвка ҳамда сувли бўёқлар ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўймоқчи. Ана шунда корхона ишчи-хизматчилари сони 20 нафардан ошади.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ҚУЛАЙЛИК

*Андижон давлат университетининг янги ўқув мажмуаси фойдаланишга топширилди.*

*Беш қаватли мазкур бинода филология, табиатшунослик ва география факультетлари, малака ошириш маркази, ректорат ҳамда экспериментал биология ва экология лабораторияси жойлашди.*

# Кўркам ўқув мажмуаси

— Президентимизнинг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида уч йил давомида 10 та бинони капитал реконструкция қилиш ва янгидан қуриш кўзда тутилган эди, — дейди университет ректори Толибжон Мадумаров. — Шу кунга қадар режлаштирилган объектдан 8 таси фойдаланишга топширилди. Даргоҳимизда амалга оширилаётган бундай кенг кўламли бунёдкорлик ишлари пировардида турли соҳалар учун олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш сифатини тубдан ошириш имконини беради.

**Саидаҳмад ШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Мароқли мавсум қувончи

*Ўқувчилар қишки таътил кунларини мазмунли ўтказиши учун юртимизнинг барча ҳудудларида турли маданий-маърифий тадбирлар, қизиқарли томоша ва учрашувлар ташкил этилмоқда. Хусусан, Халқ таълими вазирлиги томонидан ушбу мақсадда тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.*



ҚИШКИ ТАЪТИЛ

— Ўқувчиларнинг қишки таътил кунларини мароқли ўтказиш мақсадида вазирлик қошида махсус “Қишки таътил” штаби ташкил этилиб, чора-тадбирлар дастури амалга оширилмоқда, — дейди вазирлик масъул ходими Б. Шайвалиев. — Шунга мувофиқ, айни пайтда жойларда кўргазма-ярмаркалар, шеърият кунлари, “Билимлар беллашуви”, “Умид ниҳоллари” каби турли спорт мусобақалари ўтказиб келинаётир. Айниқса, ўқувчилар ўртасида “Қишки таътил китобхони” беллашуви кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Барча тадбирлар байрамона кайфиятда уюштирилиб, унда таниқли спортчилар, шоир ва ёзувчилар, ота-оналар қатнашмоқда.

Айтиш жоизки, қишки таътил кунларида барча вилоят, шаҳар ва туман “Баркамол авлод” болалар марказлари ўқувчилар билан гавжум. Улар ушбу марказларда фақат фан тўгаракларига қатнашибгина қолмасдан, балки ўқувчилар учун ташкил қилинган Янги йил байрами тадбирларида ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Жумладан, “Мароқли қишки таътилим”, “Обод ва озод Ватан — барчамизники!”, “Янги йил қувончлари”, “Янги йил дўстлар даврасида” каби байрам тадбирлари ҳамда чет тилини ўрганаётган болалар ўртасидаги сўз ўйинлари уларда унутилмас таассурот қолдирмоқда.

— Марказимизда ташкил этилган ўқувчилар ижодий кўргазмаси чинакам байрамга айланиб кетди, — дейди Яккасарой туманидаги “Баркамол авлод” болалар маркази раҳбари Д. Яҳёева. — Шундай мароқли тадбирдан кейин қатнашчиларимизнинг билим олишга иштиёқи ошиши шубҳасиз.

Қисқача айтганда, қишки таътил кунларида республика миқёсида жами 4 458 162 нафар ўқувчидан 3 424 082 нафари турли беллашув ва мусобақалар, фан тўгараклари, спорт комплекслари ҳамда таълим муассасаларидан ташқари тўгаракларга қамраб олинганлиги ва белгиланган тадбирлар уюшқоқлик билан ўтказилаётгани эътиборга моликдир.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**







# Янги марказ ишга тушди

*“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси Сирдарё филиали томонидан Гулистон шаҳридаги Алоқа уйида “Call center” — замонавий ахборот-чақирув маркази фойдаланишга топширилди.*

ХИЗМАТ

Янги марказ аввалгисидан тубдан фарқ қилади. Гап шундаки, аввалари маълумотлар бюроси мижозларга фақат телефон рақамларини аниқлашда ёрдам бериб келган бўлса, эндиликда 10 дан зиёд хизматлар бўйича кечаю кундуз мазкур марказга мурожаат қилиш имконияти яратилди.

Эътиборлиси, бу ерда интерфаол хизматлар орқали интернет, компьютер муаммолари бўйича маслаҳатлар олишдан тортиб, об-ҳаво маълумотларигача хабардор бўлиш мумкин. Марказ болажонларга эртак айтиш, мижозларнинг яқинларига табриклар узатиш ва ҳатто, уй бекаларига пазандалик сирлари бўйича тавсиялар бериш сингари буюртмаларни ҳам қабул қилади.

— Ушбу лойиҳани амалга оширишга 60 миллион сўм сарфладик, — дейди “Ўзбектелеком” акциядорлик жамияти Сирдарё филиали тижорат директори Анвар Арзиқулов. — Гулистон компьютер ва ахборот технологиялари коллежини битирган 10 нафар ёш мутахассисни ишга олдик. Улар фаолият бошлашларидан аввал малака ошириш амалиётини ўтадилар.

Яна бир эътиборли жиҳати, янги мажмуа мижозларни “Uztelecom”, “Uzonline”, “Uzmobile” ва “Telecom TV” савдо белгилари остида тақдим этилаётган барча хизматлар бўйича ҳам техник қўллаб-қувватлайди.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Италияда аҳоли бандлигини таъминлаш масаласи ҳамон долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.*

## Ўртача кўрсаткичдан юқори

“Евроньюс” телеканали хабарида айтилишича, ўтган йилнинг ноябрь ойида мамлакатда ишсизлик даражаси 12,7 фоизга етган. Бу евроҳудуддаги ўртача кўрсаткичдан юқоридир.

Ҳозир “кўҳна қитъа”даги давлатларда, асосан, ёшлар ишсизликдан азият чекмоқда. Олий таълим муассасаларини тамомлаган йигит-қизлар қаерга боришни билмай ҳайрон. Масалан, Италияда 25 ёшгача бўлганларнинг 41,7 фоизи бекорчиликда кун кечираяпти. Испания ва Грециядаги аҳвол эса бундан ҳам ёмон.

## Чеклов бекор қилинди

*2000 йилдан эътиборан Хитойда турли ўйин қурилмаларини сотиш ман этилган эди. Айни пайтда мазкур тақиқ вақтинча бекор қилинди.*




Эндиликда барча хорижий компаниялар ўз маҳсулотларини Шанхайда очилган эркин иқтисодий зонада харидорлар ҳукмига ҳавола этишлари мумкин.

Эслатиб ўтамиз, Хитойда ўйин қурилмаларини сотиш ёшлар руҳий ҳолатига салбий таъсир кўрсатишининг олдини олиш мақсадида тақиқланган эди.

## Хулосалар ўзгаради

*Халқаро валюта жамғармаси яқин уч ҳафта ичида жаҳон иқтисодиётининг ўсишига оид прогнозини амалга оширмоқчи. Бу ҳақда мазкур ташкилотнинг бошқарувчи директори Кристин Лагард маълум қилди.*

Жамғарма ўтган йилнинг октябрь ойидаги таҳлилларида кўрсаткичлар пасайишини билдириб, 2013 йил якуни бўйича дунё иқтисодиётида ўсиш ҳажми 2,9 фоизни, жорий йилда эса 3,6 фоизни ташкил этишини таъкидлаганди. Демак, эндиликда хулосалар яхши томонга ўзгарган кўринади.

## Ҳаво ҳарорати кўтарилмоқда

*Шимолий Американи қамраб олган қаҳратон совуқ яқин орада чекиниб, ўрнига илиқ ҳаво оқими кириб келиши кутилмоқда.*



“Ассошиэйтед пресс” ахборот агентлигининг маълум қилишича, чоршанба куни Чикагода Цельсий шкаласи бўйича -18, Нью-Йоркда эса -8 даража қайд этилган. Шу асосда метеорологлар ҳаво ҳарорати секин-аста кўтарилиб бораётганини таъкидлашди.

Ноқулай шароит туфайли сўнгги бир ҳафта мобайнида АҚШда қарийб 18 мингта авиарейс бекор қилинди. Қиш синовлари, айниқса, Нью-Йорк, Вашингтон, Атланта, Чикаго ва Детройтдаги аэропортлар фаолиятига жиддий салбий таъсир кўрсатди. Ҳисоб-китобларга кўра, ҳозиргача авиакомпаниялар тахминан 1,5 миллиард доллар миқдорида зарар кўрган.

## Такомиллаштирилган таксилар тақдимоти

*Япониянинг “Nissan” автомобилсозлик компанияси Лондон кўчалари учун мўлжалланган таксиларни намойиш этди.*



Янги моделдаги транспорт воситалари жорий йилнинг декабрь ойидан ишлаб чиқарилади ва Буюк Британия пойтахтида хизмат кўрсатишни бошлайди. Айтиш жоизки, “Nissan” 2012 йилда мазкур таксилар тақдимотини ўтказган эди. Фақат уни бир оз такомиллаштириш зарурати туғилди ва орадан ўтган икки йил давомида шу тадбир амалга оширилди. Янгиланган таксилар ҳозир Лондон кўчаларида ҳаракатланаётганларига нисбатан бензинни сезиларли даражада кам сарфлаши билан ажралиб туради.

## Куз ва қиш ойларида ўтказилади

*ФИФА бош котиби Жером Вальке 2022 йилда футбол бўйича Қатарда бўладиган жаҳон чемпионати куз фаслининг охири, қишнинг бошларида ўтказилишини маълум қилди.*

Унга кўра, мундиаль 15 ноябрдан 15 январгача бўлган оралиқда ташкил этилади. Ушбу даврда Қатарда ҳаво ҳарорати 25 даража атрофида иссиқ бўлар экан. Бу футбол ўйнаш учун қулай шароитдир.

**_Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди._**

● Реклама ва эълонлар ●


KAPITALBANK
МАҚСАДЛАРНИ БИРЛАШТИРИБ, МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШАМИЗ

**Янги йил акцияси!**
**«ТАРИФ 0+ СОВҒА!»**

**«Капиталбанк» ОАТБ**
**«Тариф 0+ СОВҒА»**
**байрам акциясини жорий қилди.**

*2013 йил 1 декабрдан 2014 йил 1 мартгача Фарғона ва Самарқанд филиаллари ёки Фарғона ва Самарқанд минибанкларида талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисоб рақамларини очган барча янги мижозлар учун мутлақ бепул хизматларни таклиф қилади.*

***Булар:***
- ***абонент тўловисиз ҳамда дебиторлик айланмаси учун комиссия тўловисиз банк хизматлари;***
- ***«SMS INFO» хизмати;***
- ***«Банк-мижоз» хизмати.***

***2014 йил 1 мартгача.***
***Шунингдек, «Капиталбанк» ОАТБдан қўшимча янги йил совғаси!***

**Акция ҳақида батафсил маълумотларни банк филиалларидан қуйидаги телефонлар орқали олиш мумкин: Фарғона: (8-373) 244-90-30, Самарқанд: (8-366) 234-55-39.**

**Акция ҳақида маълумотлар ва қоидалар.**
**1.** Акция номи — «Тариф 0 + совға!»
**2.** Акцияни ўтказиш муддати — 2013 йил 1 декабрдан 2014 йил 1 мартгача.
**3.** Акцияни ўтказиш жойи — Ўзбекистоннинг Фарғона ва Самарқанд шаҳарлари, «Капиталбанк» ОАТБ Фарғона ва Самарқанд филиаллари.
**4.** Акцияда иштирок этиш тартиби.
2013 йил 1 декабрдан 2014 йил 1 мартгача Фарғона ва Самарқанд филиаллари ёки Фарғона ҳамда Самарқанд минибанкларида талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисоб рақамини очган мижоз — юридик шахс абонент тўловисиз ҳамда дебиторлик айланмаси учун комиссия ҳақисиз банк хизматларидан, шунингдек, 2014 йилнинг 1 мартига қадар «SMS INFO» ва «Банк-мижоз» хизматларидан бепул фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Бундан ташқари, «Капиталбанк» ОАТБ логотипи туширилган совғани қўлга киритади.
**Эслатма:** 2013 йил 1 декабрдан 2014 йил 1 мартгача (акциянинг охирги ойида) банкда талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисоб рақамини очган мижозга 2014 йил 1 мартга қадар абонент тўловисиз ҳамда дебиторлик айланмаси учун комиссия ҳақисиз банк хизматлари ҳамда «SMS INFO» ва «Банк-мижоз» хизматлари бепул кўрсатилади.
**4.1.** Мазкур акция фақат юридик шахс мақомига эга бўлган, «Капиталбанк» ОАТБнинг Фарғона ва Самарқанд филиаллари янги мижозлари учун мўлжалланган.
**4.2.** Бепул хизмат кўрсатиш муддати тугаганидан сўнг барча мижозлар банк тарифларига мувофиқ тўловли хизматлар режимига ўтказилади.

**«Капиталбанк» ОАТБ Матбуот маркази.**

*Хизматлар лицензияланган.*

54А/20



**«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** Зангиота тумани СИБ томонидан 7463/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Хонобод» ҚФЙ, Тутзор кўчаси, 5-уй.
***Бошланғич баҳоси — 297 636 484 сўм.***

**2.** Чиноз тумани СИБ томонидан 2011 йил 22 июлдаги 11-1128/0506-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Наврўз кўчасида жойлашган бино-иншоотлар.
***Бошланғич баҳоси — 54 259 470 сўм.***

**3.** Чиноз тумани СИБ томонидан 2009 йил 17 августдаги 11-0928/9686-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Чиноз шаҳрида жойлашган бино-иншоотлар.
***Бошланғич баҳоси — 51 937 290 сўм.***

**4.** Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 2013 йил 24 октябрдаги 10-1312/11973-сонли ва 18092/24-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 22-уй.
***Бошланғич баҳоси — 1 875 000 000 сўм.***

**5.** Зангиота тумани СИБ томонидан 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бест Плюс Сервис» х/к ҳудудида жойлашган 19-сонли савдо дўкони.
***Бошланғич баҳоси — 33 862 478 сўм.***

**6.** Зангиота тумани СИБ томонидан 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бест Плюс Сервис» х/к ҳудудида жойлашган 20-сонли савдо дўкони.
***Бошланғич баҳоси — 30 622 992 сўм.***

**7.** Зангиота тумани СИБ томонидан 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бест Плюс Сервис» х/к ҳудудида жойлашган 27-сонли савдо дўкони.
***Бошланғич баҳоси — 29 755 790 сўм.***

**8.** Зангиота тумани СИБ томонидан 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бест Плюс Сервис» х/к ҳудудида жойлашган 29-сонли савдо дўкони.
***Бошланғич баҳоси — 29 924 981 сўм.***

**9.** Зангиота тумани СИБ томонидан 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бест Плюс Сервис» х/к ҳудудида жойлашган 35-сонли савдо дўкони.
***Бошланғич баҳоси — 30 413 753 сўм.***

**10.** Зангиота тумани СИБ томонидан 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бест Плюс Сервис» х/к ҳудудида жойлашган 38-сонли савдо дўкони.
***Бошланғич баҳоси — 30 478 070 сўм.***

**11.** Зангиота тумани СИБ томонидан 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бест Плюс Сервис» х/к ҳудудида жойлашган 58-сонли савдо дўкони.
***Бошланғич баҳоси — 19 107 078 сўм.***

**12.** Зангиота тумани СИБ томонидан 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бест Плюс Сервис» х/к ҳудудида жойлашган 64-сонли савдо дўкони.
***Бошланғич баҳоси — 24 267 359 сўм.***

**13.** Зангиота тумани СИБ томонидан 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бест Плюс Сервис» х/к ҳудудида жойлашган 65-сонли савдо дўкони.
***Бошланғич баҳоси — 24 178 100 сўм.***

**14.** Зангиота тумани СИБ томонидан 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бест Плюс Сервис» х/к ҳудудида жойлашган 66-сонли савдо дўкони.
***Бошланғич баҳоси — 24 847 544 сўм.***

**15.** Зангиота тумани СИБ томонидан 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бест Плюс Сервис» х/к ҳудудида жойлашган 67-сонли савдо дўкони.
***Бошланғич баҳоси — 24 893 029 сўм.***

**16.** Зангиота тумани СИБ томонидан 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бест Плюс Сервис» х/к ҳудудида жойлашган 69-сонли савдо дўкони.
***Бошланғич баҳоси — 23 519 848 сўм.***

**17.** Зангиота тумани СИБ томонидан 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бест Плюс Сервис» х/к ҳудудида жойлашган 84-сонли савдо дўкони.
***Бошланғич баҳоси — 24 893 029 сўм.***

**18.** Зангиота тумани СИБ томонидан 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бест Плюс Сервис» х/к ҳудудида жойлашган 46-сонли савдо дўкони.
***Бошланғич баҳоси — 191 684 535 сўм.***

**19.** Зангиота тумани СИБ томонидан 11384/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бест Плюс Сервис» х/к ҳудудида жойлашган 31-сонли савдо дўкони.
***Бошланғич баҳоси — 34 115 359 сўм.***

**20.** Зангиота тумани СИБ томонидан 11378/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бест Плюс Сервис» х/к ҳудудида жойлашган 56-сонли савдо дўкони.
***Бошланғич баҳоси — 28 740 600 сўм.***

**21.** Зангиота тумани СИБ томонидан 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бест Плюс Сервис» х/к ҳудудида жойлашган 95-сонли савдо дўкони.
***Бошланғич баҳоси — 58 468 024 сўм.***

**22.** Зангиота тумани СИБ томонидан 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бест Плюс Сервис» х/к ҳудудида жойлашган 96-сонли савдо дўкони.
***Бошланғич баҳоси — 60 388 713 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 24 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Realtor garant business» МЧЖнинг ОАТБ «Asia alliance bank» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204936050001, МФО: 01103, СТИР: 207125885.

Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 (беш) банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-квартал, 3-уй, 1-хонадон. Тел.: (8-371) 212-89-55.**

51R/380

*Лицензия: RR-0052.*



**«Тошкент труба заводи» ҚК**



**ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотади.**
**(нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган).**





**Сув ва газ ўтказувчи қувурлар —** ГОСТ 10705-80, Ø 15 — 114 мм., баҳоси 1 тонна учун 3 250 000 сўмдан бошлаб.

**Газ ва нефть ўтказувчи қувурлар —** ГОСТ 20295-85, Ø 159 — 337 мм., баҳоси 1 тонна учун 3 500 000 сўмдан бошлаб.

**Квадрат кесимидаги пўлат қувурлар —** ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20х20, 25х25, 30х30, 40х40, 50х50, 60х60, 80х80, 100х100, 150х150, 170х170.

**Тўғри бурчак кесимидаги пўлат қувурлар —** ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30х20, 40х25, 50х25, 30х60, 40х60, 40х80, 50х100, 60х80, 60х100, 80х120, 80х150, 60х125. Девор қалинлиги 1,0 — 4,0 мм., баҳоси 1 тонна учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

Бундан ташқари, қўшма корхона «API-5L» стандарти бўйича ишлаб чиқарилаётган Ø 325 мм.дан Ø 1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм.гача бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурларни харидорларга таклиф этади. Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм.

60R/956

**МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.**

**Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.**


ИНТИЛИШ

*Хатирчи туманидаги “Мевасабзавоттайёрловсавдо” масъулияти чекланган жамияти томонидан нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган технологик линия ишга туширилди.*

## Тежамкор технологиялар

Лойиҳага биноан, банкдан олинган 200 миллион сўмлик кредит эвазига хориждан замонавий ускуналар харид қилинди. Ҳозир корхонада кунига бир тоннагача ун қайта ишланиб, 30 турдаги нон ва қандолат маҳсулотлари тайёрланмоқда.

— Замонавий технология газ ёқилғиси ва электр энергияси билан ишлайди, — дейди “Мевасабзавоттайёрловсавдо” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Баҳрон Тошниёзов. — Эътиборлиси, унда аввалги ускуналардан фарқли равишда энергия сарфи уч баробаргача тежалмоқда.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


IPOTEKA BANK **«Ипотека-банк»**

**қошида янги ташкил этилаётган бошқарув компаниясининг директорлик лавозимига танлов эълон қилинади.**

***Номзодларга талаблар:***
- ёши — 30 — 45 ёш;
- жинси — эркак;
- яшаш жойи — Тошкент шаҳри;
- маълумоти — олий (иқтисодий ва/ёки техник йўналишда);
- қўшимча талаблар: компьютердан фойдалана олиш, охирги 3 йил давомида раҳбарлик лавозимида ишлаганлиги, иш жойидан тавсифнома.

**Маълумот учун телефонлар: (8-371) 150-89-30, 150-89-31.**

Номзодлар резюмени қуйидаги электрон почтага юборишлари мумкин:
**akmal.sharipov@ipotekabank.uz**

55R/1093



**«KO‘P TARMOQLI KO‘CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Учтепа тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2012 йил 27 январдаги 10-1119/21524-сонли, 2012 йил 9 апрелдаги 10-1209/2206-сонли, 2012 йил 26 мартдаги 10-1219/3076-сонли, 2012 йил 13 апрелдаги 10-1219/2891-сонли, 2012 йил 10 майдаги 10-1219/5210-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фозилтепа (собиқ Ҳ. Турсунқулов) кўчаси, 12-«А» уйда жойлашган, умумий майдони 432 кв.м.дан иборат бўлган 2 қаватли маъмурий бино қўйилмоқда.
***Бошланғич баҳоси — 142 299 747 сўм.***

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 2013 йил 10 сентябрдаги 12793/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Бешёғоч даҳаси, 4-уйда жойлашган, умумий майдони 60,81 кв.м. бўлган 2 та яшаш хонадан иборат 5-хонадон қўйилмоқда.
***Бошланғич баҳоси — 92 117 851 сўм.***

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Юнусобод тумани судининг 2013 йил 21 августдаги 403/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Кўксарой» ҚФЙда жойлашган, «Mavlonbek Alibek» МЧЖга қарашли, ер участкасининг майдони 5,74 гектардан иборат, литер 0001 дан литер 0026 гача бўлган ферманинг бино ва иншоотлари қўйилмоқда.
***Бошланғич баҳоси — 833 531 140 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 14 февраль куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko‘p tarmoqli ko‘chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш савдо ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

49R/562

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311- хона. Телефонлар: (8-371) 249-54-59, 249-53-61.**

*Лицензия: № 0039.*



**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

02


Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети жамоаси Шарқ тиллари кафедраси ўқитувчиси Усмонжон Эрматовга турмуш ўртоғи

**Дилфуза ЭРМАТОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ДИЛ СЎЗИ

*Бугун биз бошимизни баланд кўтариб, ғурур ва ифтихор билан яшашга ҳақлимиз. Чунки юртимизда рўй бераётган янгиликлар, ислоҳотлар ҳар биримизнинг турмушимизни фаровон, қалбимизни нурафшон этмоқда.*

# Ишонч ва ғурур

Ўзимиз, фарзандларимиз, ота-оналаримиз манфаатига, истиқболига хизмат қилувчи бу каби ўзгаришлар барчамизни эл-юрт ривожига муносиб ҳисса қўшишга ундайди. Шунинг учун ҳам Президентимиз Ислом Каримовнинг Янги йил табригини ҳаяжон билан тингладик.

Табрикда таълим-тарбия соҳасини янги босқичга кўтариш борасида ҳам фикрлар билдирилгани 24 йилдан буён санъат соҳасида ёшларга билим бериб келаётган мураббий сифатида менга алоҳида фахр бағишлади. Шу ўринда таъкидлашни истардимки, Андижон санъат коллежи мустақиллик меваси ҳисобланади. 2006 йилда ташкил этилган ва 2007 йилда янгитдан қурилган уч қаватли муҳташам бинога кўчиб ўтган санъат кошонамизда бугун 720 дан зиёд йигит-қиз 18 йўналиш бўйича таҳсил олаяпти. Уларнинг ҳар бири ўзига хос иқтидор эгаси, десам, мутлақо янглишмайман. Гап шундаки, битирувчиларимиздан 2 нафари, яъни Саида Қулматова ва Ширин Маматова Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган бўлса, яна 5 нафар ўқувчимиз "Ниҳол" мукофотига сазовор бўлган. Булар Адолат Қўлдошева, Барно Исматуллаева, Рўзихон Нурматова, Гулмира Абдулаҳатова ҳамда Элдорбек Ғуломовдир.

Бу ёғини сўрасангиз, яқинда коллежимизда оркестр туздик. Иқтидорли талабаларимиз жаҳонга машҳур бастакорларнинг асарларини чанг, дутор, най ва бошқа миллий чолғу асбобларда юксак маҳорат билан ижро этишаётгани санъат шайдоларини ўзига ром қилмоқда. Бундай мисолларни яна истаганча келтириш мумкин. Энг муҳими, шогирдларимизнинг бу сингари муваффақияти биз, мураббийлар кучига куч, ғайратига ғайрат қўшмоқда. Мақсадимиз, ана шу юксак эътиборга жавобан янада фидойилик билан меҳнат қилиш, ўқувчиларимизнинг Соғлом бола йилида ҳам катта саҳналарни забт этишига муносиб ҳисса қўшишдир.

**Рустам МАМАТҚУЛОВ,**
**Андижон санъат коллежи ўқитувчиси.**

# Файзу барака мезони

*Турмушимиз фаровон. Бозорларимиз тўкин-сочин. Дўконларимизда серобчилик. Ҳар йили маҳобатли бинолар, иншоотлар қад ростлаяпти. Кўриб кўз қувонади.*

Буларнинг бари истиқлол шарофати, халқимизнинг орзу-интилишлари самараси, албатта. Қўни-қўшни, маҳалладошлар ўртасидаги меҳр-оқибатни айтмайсизми?! Рости, бу меҳрни ҳар куни, ҳар лаҳзада ҳис этиб яшаяпман. Хусусан, Президентимизнинг халқимизга йўллаган Янги йил табригини ўқиганимда қалбим қувончга тўлди. Ундаги сўзлар гўёки менга ва оиламга қарата айтилгандек туюлди.

Бинобарин, элим, юртим деб яшаган киши обрў-эътибор топади. Буни ўз ҳаётим мисолида айтаяпман. Ногиронлигимга қарамай, бир неча йилдирки, оддий, аммо фойдали иш — пойабзал тузатиш билан машғулман. Ўзим истиқомат қилаётган Олот туманидаги Пичоқчи маҳалласида устахонам бор. Уч нафар шогирд тарбияладим. Улар ҳам ҳозир мустақил ишлаб, одамлар ҳожатини чиқаришмоқда. Мижозлар менга "Уста" деб мурожаат қилишади. Одамлар ҳурматимни жойига қўйишади. Рўзғорда бировдан кам жойим йўқ. Томорқадан яхши ҳосил олаяпмиз. Чорвамиз бор. Ўғлим Севинчбек мактабда ўқияпти. Тиришқоқ, интилувчан. Дарвоқе, Президентимиз 2014 йилни "Соғлом бола йили" деб эълон қилганлари замирида ҳам айни шу мақсад ётибди. Шуларни ўйлаганимда ана шундай меҳр-оқибатли, болапарвар юртда яшаётганимга шукроналар қиламан. Янги йилда ҳам эзгу орзу-мақсадларимиз рўёбга чиқишига, хонадонларимиздан қут-барака аримаслигига ишонаман.

**Икромжон ХОЛЛИЕВ,**
**«Жасорат» медали соҳиби.**

Реклама ўрнида










Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 169. 145 352 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.45 Топширилди — 21.00 1 2 3 4 5